# ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!


# Mahalla

ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИ НАШРИ ✸ 1996 ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✸ 2013 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ. СЕШАНБА №1 (861) ✸ www.mahallagzt.uz


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз юртдошларим!

Қадрли дўстлар!

Янги йилга саноқли дақиқалар қолган мана шу шукуҳли дамларда юртимизга қутлуғ қадамлар билан кириб келаётган 2013 йил билан сиз, азизларни чин қалбимдан табриклаш, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириш, самимий тилакларимни изҳор этиш мен учун катта шараф, катта бахтдир.

Ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган, эл-юртимиз ҳаётида рўй берган воқеаларни, амалга оширган ишларимизни баҳолар эканмиз, ўз поёнига етаётган 2012 йилни шукроналик туйғуси билан, мамнуният билан кузатишга тўлиқ асосларимиз бор.

Бунинг исботини авваламбор Ватанимизнинг олдида турган буюк мақсад ва муддаоларга эришиш, замонавий, эркин ва мустақил давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга ошираётган улкан ишларимизда, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишида, аҳолимизнинг яшаш даражаси ва сифати юксалишида, юртимизнинг қиёфаси тобора чирой очаётганида, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ва ўрни кучайиб бораётганида кўришимиз, англашимиз қийин эмас.

Шу борада бир ҳақиқатни ҳеч иккиланмасдан айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Ўзбекистонимизнинг бугунги кунда бутун дунё тан олаётган юксак марраларга эришишида, бир сўз билан айтганда, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишда аввало шу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси борлигини, бу ютуқларнинг барчасига халқимизнинг кундалик оғир ва машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бир ёқадан бош чиқариб, ягона оила бўлиб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни кўз қорачиғидек асраб яшаётганимиз мустаҳкам замин бўлаётганини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Мамлакатимизнинг тараққиёт суръатларини, ҳаётимизда рўй бераётган туб ўзгариш ва янгиланишларнинг миқёси ва кўламини ўзимизга тасаввур қилиш учун биринчи навбатда қуйидаги рақам ва кўрсаткичларга эътибор беришимизни ўринли, деб биламан.

2012 йилда жаҳон миқёсида молиявий ва иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда, кўпчилик мамлакатларда ўсиш ўрнига пасайиш ҳолатлари юз бераётганига, жиддий ижтимоий муаммолар ва ён-атрофимизда кескинлик, турли қарама-қаршилик кучайиб бораётганига қарамасдан, Ўзбекистонимизда иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланиб, бу борадаги кўрсаткич 8,2 фоизни, охирги уч йил якуни билан 27,7 фоизни ташкил этганининг ўзи ортиқча таърифлашга ва изоҳлашга ўрин қолдирмайди.

Ўтаётган йилда давлат бюджети умумий харажатларининг 59 фоизи айнан социал соҳаларга, яъни аҳолининг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Фақатгина жорий йилнинг ўзида аҳолимизнинг реал, яъни амалдаги даромадларининг ўртача 17,5 фоизга ошгани, давлат бюджетидан ойлик оладиган ходимларнинг иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдори ўртача 26,5 фоизга ўсганини қайд этиш зарур.

Даромадлар ошиши билан аҳолимизнинг банкларда сақланаётган омонатлари ҳажми ўтаётган йилда 34,6 фоизга, охирги уч йилда эса 2,4 каррага кўпайгани ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётганининг яққол кўрсаткичи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ўз якунига етаётган йилда мамлакатимиз миқёсида 9,3 миллион квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларда 7,2 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилганининг ўзи ҳам шундай хулоса чиқаришга асос бўлиши муқаррар.

Ҳаётимизни тубдан ўзгартираётган бундай мисолларни мамлакатимизнинг турли соҳа ва жабҳаларидан яна кўплаб олиб келиш мумкин.

Ўзбекистон қўлга киритаётган бундай марраларнинг мустаҳкам замини одамларимизнинг, аввало ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, гражданлик позицияси тобора кучайиб бораётганида, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Буларнинг барчаси шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзининг, оиласининг тақдирини биз учун ягона Ватан бўлмиш Ўзбекистон тақдири билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кўраётганидан далолат беради. Ва ҳаётга бундай ёндашиш эртанги кунимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бормоқда.

Айни шу фурсатдан фойдаланиб, ҳаётимизда юз бераётган ана шундай ўзгариш ва янгиланишларнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш сиз, азиз юртдошларимга мамлакатимизнинг тараққиёти, уни дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек эзгу мақсадларимизни амалга ошириш йўлидаги муносиб хизматларингиз учун чин қалбимдан миннатдорлик билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун, мана шу мунаввар дақиқаларда янги йилга пок ва қутлуғ ниятлар билан қадам қўяр эканмиз, Оллоҳдан аввало ўз марҳамати ва назарини аямасдан, бебаҳо неъмат бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, аҳиллик ва бағрикенгликни, қут-баракани янада зиёда қилишини, бундан буён ҳам доимо йўлимизни очиб беришини сўраймиз.

Биз кириб келаётган янги — 2013 йилга мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб ном бердик. Бунинг замирида халқимиз, Ватанимиз истиқболини, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар қайси оиланинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод, ҳаётимизни янада фаровон этишга қаратилган амалий интилишларимиз мужассам экани, ўйлайманки, барчамизга яхши аён.

Янги йилда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини 8,0 фоиздан кам бўлмаган даражага кўтариш, унинг рақобатдошлигини кучайтириш, модернизация ва диверсификация қилиш, мулкдорлар кафолатини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенг қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг виждони бўлмиш маҳалла ваколатларини янада кенгайтириш бўйича бошлаган ишларимизни, ҳеч шубҳасиз, изчил давом эттирамиз.

Шу борада аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, жумладан, иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 23 фоиздан кўпроқ оширилиши кўзда тутилмоқда.

Янги йилга мўлжалланган бундай дастур ва режаларимизнинг барчаси 2013 йилнинг ўтиб бораётган эски йилдан асло кам бўлмаслигига, ҳаётимизнинг ҳар томонлама файзли ва баракали, сермазмун бўлишига хизмат қилади, иншоолло.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2013 йил билан яна бир бор табриклайман.

Мана шу гўзал айёмда қалбим тўрида бўлган энг эзгу, энг олижаноб тилакларимни сиз азизларимга изҳор этмоқчиман:

Янги йил ҳар бир инсон, ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, бахту саодат ва омад олиб келсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Яратганимиз эл-юртимизни ўз паноҳида сақласин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

ЯНГИ ЙИЛ ШУКУҲИ

# ОСОЙИШТА ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ



***Янги йил арафасида юртимиз кўчалари, хиёбонларию сайилгоҳлари ҳар қачонгидан кўра фусункор қиёфа касб этган. Ушбу айёмнинг жаннатмонанд юртимизга галдаги ташрифи ҳам барчамизга, айниқса, болажонларга бир олам шодлик ва қувонч бахш этмоқда.***

Шодиёналарнинг Ватан равнақи, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида меҳнат қилаётган юртдошларимизни янада руҳлантиргани, уларни янги марралар сари етаклаётгани шубҳасиз. Зеро, тараққиёт пиллапояларидаги ҳар бир йилимиз муваффақиятларга бой бўляпти. Янги йилни кўтаринки руҳда кутиб олиш эса, эртанги улкан зафарлар учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Байрамни кўнгилдагидек ўтказишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан ҳам кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, байрам арафасида республикамиз ҳудудларида ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, шунингдек, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига совға-саломлар улашиш бошлаб юборилди.

— Байрам тадбирларида асосий эътибор кўнгли ўксиклар ҳолидан хабар олиш ва уларга мурувват ёрдамлари кўрсатишга қаратилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси Жавдат Иноғомов. — Фонднинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга 230 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган. Шу пайтгача бўлимимиз томонидан 48 ярим миллион сўмга яқин ҳамда ҳомийларни жалб этган ҳолда 181 ярим млн. сўмдан зиёд маблағлар йўналтирилди. Шунингдек, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болажонларга ҳам байрам кайфияти улашиш мақсадида турли хил ўйинчоқлар, ширинликлар туҳфа этиляпти. Қолаверса, Ёш томошабинлар театридан санъаткорларни таклиф этиб, улар учун қишки таътилда мусиқий томошалар уюштириляпти. Турли эртак қаҳрамонлари, Қорбобо ва Қорқизнинг чиқишлари, бадиий жамоалар иштирокидаги мусиқий дастурлар болажонларга қувонч улашмоқда.

> [2]

# БОЛАЖОНЛАРНИНГ ҚУВОНЧЛИ ЛАҲЗАЛАРИ

***Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу ишлар униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим омил бўлмоқда.***

Мамлакатимизда йигирма йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Президент арчаси» байрами тантаналари ҳам барча ўғил-қизларнинг доимо меҳр ва ғамхўрлик оғушида камол топаётганидан ёрқин далолатдир.

Бу йил ҳам Янги йил байрами муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг шаҳар ва туманларида «Президент арчаси» байрами тантаналари кўтаринки руҳда ўтказилди. Мазкур тадбирларга жойлардаги Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, хизмат бурчини ўташ пайтида ҳалок бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек, кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари таклиф этилди.

Байрам тадбирларида мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, улар келажаги юртимиз келажагига бевосита дахлдор масала сифатида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги алоҳида эътироф этилди. Болажонларга Президентимизнинг байрам совғалари топширилди.

Вилоятлардаги мусиқали драма ва қўғирчоқ театрлари, академик ҳамда халқ бадиий жамоаларининг байрам томошалари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандалари ва болалар бадиий жамоаларининг чиқишлари тантаналарга янада файз, кўтаринки руҳ бағишлади. Улкан арча атрофида турли эртак қаҳрамонлари билан биргаликдаги қувноқ қўшиқлар, шодон рақслар болажонларга бир олам завқ, байрамона кайфият бахш этди.

> [2]




## РЕСПУБЛИКАМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

***Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасидаги 395 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан 160 таси ўз биносига эга бўлди. Жорий Обод турмуш йилида ҳам бу ишлар изчиллик билан давом эттирилади.***

***Республикада ёш авлодни тарбиялаш масалаларида ота-оналарнинг ҳуқуқий, ахлоқий ва физиологик билимларини ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида 187 та «Ота-оналар университети» ташкил этилди.***

### АНДИЖОН

***«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими томонидан 649 та кам таъминланган оилага 20 тадан, жами 12998 та уй паррандаси етказиб берилди. Бу мақсадларга 167,3 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, Фонднинг вилоят бўлими ҳамда шаҳар ва туман бўлинмалари томонидан 100 та кам таъминланган оилага 100 бош қорамол ҳадя этилди. Бунинг учун 157 млн. 520 минг сўм сарфланди.***

***Бўлим томонидан 16 та маҳалла фуқаролар йиғинига 28 млн. сўмлик компьютер жамланмалари тарқатилди.***

### САМАРҚАНД

***Мустаҳкам оила йилида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими вилоят ва туман бандликка кўмаклашиш марказлари ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда 136 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Бу жараёнда тўққиз мингдан зиёд корхона ва ташкилотлар иштирок этди. Ярмаркада 105477 нафар ишсиз ишга жойлашиш учун йўлланма олган.***

***Вилоятнинг Жомбой туманидаги «Тошкент» ва «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғини бинолари ҳомийлар томонидан қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.***

### НАВОИЙ

***«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Навоий вилояти бўлими томонидан 706 та эҳтиёжманд оилага тикув машинаси туҳфа этилди.***

### ФАРҒОНА

***Фонднинг Фарғона вилояти бўлими томонидан кам таъминланган оилаларга уч тўлқинли радиоқабулқилувчи мосламалар тарқатилмоқда. Шу пайтгача 156 та оилага ана шундай мосламалар ҳадя этилди.***

### НАМАНГАН

***Фонднинг Наманган вилояти бўлими томонидан ўтган йил давомида 226 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмалари, 240 тасига мебель жиҳозлари олиб берилди. Бундан ташқари, 73 та фуқаролар йиғини биносини таъмирлашга кўмаклашилди. Мазкур тадбирларга Фонд томонидан 558,9 млн. сўм, ҳомийларнинг эса, 593,1 млн. сўм маблағи сарфланди.***

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

## ҳарбий хизмат нуфузини янада оширишга хизмат қилади

***Тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурган юрт, шубҳасиз, тараққиётга эришади. Унинг фарзандлари баркамол бўлиб улғаяди, халқи фаровон яшайди. Истиқлол инъом этган ютуқ ва муваффақиятларнинг асоси мамлакатимиздаги осудалик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик, миллатлараро тотувликдир. Эндиликда қўлга киритилган бундай улкан бойликни қадрлай билиш, Ватан сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш, юрт шаъни ва ор-номусини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш шу заминда яшаётган ҳар бир ўғил-қизнинг муқаддас бурчига айланган.***

Таъкидлаш жоизки, тинчликни сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда миллий армиямизнинг алоҳида ўрни бор. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, жанговар тайёргарликка эга миллий армия барпо этиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йилнинг 24 октябридаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳам мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ этиш жараёнидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

> [3]

НАМУНАЛИ УЙЛАР — ЮРТ КЎРКИ

# ШИНАМ, КЎРКАМ ВА ЧИРОЙЛИ

***«Навоийазот» очиқ акциядорлик жамияти ишчиси Актам Турдиниёзов учун 2012 йил омадли бўлди. Шу йили у Кармана туманининг «Малик» маҳалласида барпо этилган намунали уйлардан бирига оиласи билан кўчиб кирди.***

— Мустаҳкам оила йилида янги уйга кўчиб ўтганимиз оиламизга катта қувонч бағишлади, — дейди хонадон бекаси, юз-кўзларидан шодлик балқќан Манзурахон. — Икки нафар фарзандимиз билан ўзимизнинг шинам ва кўркам ҳовлимизда яшаяпмиз. Турмуш ўртоғим заводда ишлайди, мен Навоий Олимпия захиралари мактабида ошпазман. Уйни 15 йиллик имтиёзли кредит эвазига олдик. Ҳукуматимизнинг биз каби ёш оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганидан мамнунмиз.

Таъкидлаш жоизки, мухтарам Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, янги рўзғорларнинг оёққа туришига ёрдам бериш учун асосий дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат асосида 2010 йилда Навоий вилоятидаги 17 та мавзеда 410 та, 2011 йилда 30 та мавзеда 490 та, 2012 йилда эса 500 та намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлар фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 октябрдаги «2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш Дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 2013 йилда вилоят қишлоқларида яна 500 та намунавий лойиҳа асосидаги уй-жой қурилиши режалаштирилган.

> [2]

ЯНГИ ЙИЛ ШУКУҲИ

# ОСОЙИШТА ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ



< [1]

Шу кунларда Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси билан ҳамкорликда байрам тадбирлари ўтказиладиган майдонларга ўрнатилган саҳналарда концерт дастурлари, театрлаштирилган чиқишлар ташкил этмоқда. Шунингдек, маҳалла гузарлари ва мавзеларда савдо ярмаркалари фаолият кўрсатмоқда.

Пойтахтимиздаги йирик майдонлар ва маданият саройлари олдида ўрнатилган 12-24 метрли улкан арчалар турфа хил ўйинчоқлар билан безатилган.

Пойтахтимиз маркази — Мустақиллик майдонидаги байрам аттракционлари, севимли эртак қаҳрамонлари билан учрашув болажонлар қувончига қувонч қўшмоқда. Бу ерга нафақат пойтахтлик, балки барча вилоятлардан болажонларнинг ташриф буюргани ҳам эътиборга молик.

— Октябрь ойида мамлакатимиз пахтакорларининг зафарига бағишланган тадбирда иштирок этиш учун пойтахтимизга келгандим, — дейди Қашқадарё вилояти Қамаши тумани Қоратепа қишлоқ фуқаролар йиғини фаоли, «Бунёд» фермер хўжалиги раиси Ўроқ Боймирзаев. — Ўшанда Тошкент шаҳридаги улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан, очиғи, ҳайратга тушгандим ва Янги йил арафасида фарзандларим билан келиб, Мустақиллик майдонини томоша қилишни дилимга тугиб қўйгандим. Бугун шу ниятим амалга ошганидан, ўғил-қизларимнинг қувончига шерик бўлаётганимдан бахтиёрман.

Халқимизда «Маҳалла — ҳам отанг, ҳам онанг», деган нақл бор. Давлат ва жамият ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтовчи маҳалла тизимининг бағрикенгликни, меҳр-мурувват муҳитини мустаҳкамлашда алоҳида ўрни бор. Айниқса, байрамлар арафасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронлар кўнглига байрам кайфияти улашишда ўзини ўзи бошқариш органларининг хизматини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди.

— Юртимизда байрамлар кўп. Ҳар бир шодиёна арафасида маҳалламиз ҳудудида истиқомат қилаётган меҳрга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар оламиз, — дейди Учтепа туманидаги «Ҳожиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуфаттоҳ Муталов. — Бу йил ҳам Янги йил байрами арафасида маҳалламиздаги эҳтиёжманд инсонлар ҳолидан хабар олиниб, ҳомийлар кўмагида уларга байрам совғалари улашилди.

Ободлик кўнгилдан бошланади, деган ҳикматга таяниб фаолият юритаётган йиғинлар бугунги кунда кўпчиликнинг ишончи ва ҳурматига сазовор бўлаётир. Айниқса, меҳрга муҳтож инсонларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик барчанинг қувончига сабаб бўлмоқда.

Маҳалла посбонлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан ҳамкорликда ҳар бир хонадонда бўлиб, болаларни қаровсиз қолдириш, пиротехника воситаларидан фойдаланишнинг нохуш оқибатлари ҳамда Янги йил байрамини тинч, хотиржам, хурсандчилик билан кутиб олиш, аввало, ҳар бир кишининг ҳушёрлигига боғлиқлиги тушунтирилмоқда.

— Вилоятимизда Янги йил байрамига бағишлаб тайёрланган махсус тадбирлар аллақачон бошлаб юборилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви раиси Шавкат Жониқулов. — Самарқанд шаҳридаги ўнга яқин истироҳат боғи ва хиёбонларда, барча туман марказларида ўрнатилган арчалар атрофида махсус саҳналар қурилиб, концерт ва бадиий дастурлар намойиш этилмоқда. Бу тадбирларга вилоятдаги театр ва бадиий жамоалар, фольклор-этнографик ансамбллар жалб қилинди. Байрам дастурларида юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимиз ҳаётидаги янгиланиш ва ўзгаришлар, жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ўз ифодасини топган.

Бўлим раисининг таъкидлашича, Янги йил байрами олдидан «Самарқанд нонлари», «Шарқ ширинликлари» ва «Миллий таомлар» кўрик-танловларини ўтказиш яхши анъанага айланмоқда. Халқимизнинг ўзига хос пазандалик ва новвойлик маҳорати кўригига айланган мазкур танлов дастлаб шаҳар ва туманларда бўлиб ўтди. Янги йил байрами арафасида танловнинг вилоят босқичи ўтказилиб, унда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос таом тайёрлаш анъаналари намойиш этилди.

— Янги йил байрамини мазмунли ўтказиш учун бу гал концерт ва томоша дастурларини тайёрлашга янгича ёндашилди, — дейди Жиззах вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази бўлим мудири Р.Шаймонов. — Шаҳарнинг бош майдонидаги байрам томошаларида вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театри, қўғирчоқ театри, Жиззах санъат коллежи жамоалари билан бирга турли кўрик-танловлар ғолиблари ҳам иштирок этмоқда.

Болажонларнинг байрамни кўнгилли ўтказиши учун вилоят бадиий жамоалари қизғин ҳозирлик кўрди. Айни кунда туманлардаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида бадиий жамоалар иштирокида Янги йил томошалари ўтказилаётир.

Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театри жамоаси ҳам ўқувчиларнинг қишки таътили мазмунли ўтишига ҳисса қўшиш мақсадида «Қуёнчанинг Янги йил саргузаштлари» номли саҳна асарини тайёрлади. Театр жамоаси ўзбек халқ эртаклари асосига қурилган ушбу спектаклни нафақат театр саҳнасида, балки маҳаллалар, Меҳрибонлик уйлари, корхона ва муассасаларда ҳам намойиш этишни режалаштирмоқда.

Дарҳақиқат, Янги йил ҳар доим олам-олам қувонч ва орзулар билан кутиб олинади. Кимдир бу кунда эски йилда ушалмай қолган орзу-умидлари ижобатини сўраса, кимдир дилига янги-янги ниятларни тугади. Байрам нафаси уфуриб турган шундай шукуҳли дамларда халқи, кўплаб миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, аҳил-иноқ, фаровон ҳаёт кечираётган заминда яшаётганингга шукроналар айтасан, киши. Зеро, осойишта, барқарор юртга байрамлар ярашади.

**Т.НИЗОМОВ,**
**Э.ЖУМАНОВ,**
**«Mahalla» мухбирлари.**

# БОЛАЖОНЛАРНИНГ ҚУВОНЧЛИ ЛАҲЗАЛАРИ

< [1]

— «Президент арчаси» байрами бизда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Комила Жабборова. — Ранг-баранг ўйинчоқлар билан ясатилган улкан арча атрофида қўшиқ айтдик, рақсга тушдик. Айниқса, Президентимизнинг совғаларидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Бизга кўрсатилаётган беқиёс эътибор ва ғамхўрлик учун чексиз миннатдормиз.

— Янги йил байрами биз болалар учун энг севимли байрамдир, — дейди Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Моҳинур Абдуҳалимова. — Юртбошимизнинг «Менинг фарзандларим» дея биз ёшларга кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлигига жавобан эл-юртимизга муносиб фарзанд бўлишга интиламиз.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги таълим ва соғлиқни сақлаш, болалар муассасаларида юксак савияда ташкил этилган Янги йил шодиёналарида ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай ўсиши ва келажакда жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун кўрсатилаётган меҳр ва ғамхўрлик яна бир бор ўзининг амалий ифодасини топди. Мазкур тантаналарда мамлакатимизда ҳар бир фарзанднинг давлат ва жамият эътиборидан четда эмаслиги, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик фазилатлари яна бир бор ёрқин намоён бўлди.

**ЎзА.**

НАМУНАЛИ УЙЛАР — ЮРТ КЎРКИ

# ШИНАМ, КЎРКАМ ВА ЧИРОЙЛИ



< [1]

Улар 3, 4, 5 хонали бўлиб, ташқи кўриниши билан бир-биридан унчалик фарқ қилмаса-да, турар-жой майдони, хоналар ўлчами турли ҳажмда. Ҳар бирида катталар ва болалар учун ётоқхона, ошхона, қозонхона, ювиниш хонаси, ҳожатхона (ички ва ташқи), шунингдек, енгил машина учун махсус жой, омборхона мавжуд. Муҳандислик-коммуникация шароитлари ҳисобга олинган.

Юқоридаги қарор асосида қишлоқда уй-жой қурилиши лойиҳаси ишлаб чиқилиб, бу лойиҳа Ўзбекистон ҳукумати ва Осиё Тараққиёт Банки дастури асосида амалга оширилади. Дастур доирасида уй-жой кредитлари қишлоқ аҳолисига таклиф қилиниб, бу қишлоқ жойларда замонавий уй-жой ва инфратузилмадан фойдаланиш даражасини оширишга йўналтирилган. Бунда қишлоқ жойларда яшовчи кўп оилали хўжаликлар, ижтимоий соҳа ходимлари, аёллар қарамоғидаги хўжаликлар, тадбиркор ва ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратилади.

«Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси асосий буюртмачи сифатида тендер асосида қурилишни амалга ошириш имкониятига эга бўлган пудратчи фирмалар ишини назорат қилиб бориши, бундай уй-жойларнинг ҳар томонлама сифатли барпо этилишини таъминламоқда. Барча қулайликларга эга шинам уйларда яшашни истаганлар учун «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ томонидан узоқ муддатли ва кам фоизли кредитлар ажратилаётгани, айниқса, турар-жойга эҳтиёжи бор фуқаролар учун катта имконият яратмоқда.

— Банк кредити ҳисобига қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қураётган жисмоний шахснинг ипотека кредити ва унга ҳисобланган фоизларга солиқ имтиёзлари ҳам берилган, — дейди ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Навоий минтақавий филиали кредитлаш бўлими мутахассиси Шерали Саломов. — Уларни қоплашга йўналтирилган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар суммаси даромад солиғига тортилмайди. Яна шуниси аҳамиятлики, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ва якка тартибдаги уй-жой қурувчи ўртасида шартнома имзолангандан сўнг якка тартибда иморат қурувчига ер участкасини ажратиш туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан кимошди савдоси ўтказилмасдан бепул умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади.

Намунали лойиҳа асосида қад ростлаётган уй-жойлар қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартираяпти, уларга кўрк ва ободлик бағишлаяпти. Биз Кармана туманидаги «Малик» маҳалласида бўлганимизда бунга яна бир карра амин бўлдик. Қизилқум бағрида барпо этилган массив бир текисда жойлашган чиройли уйлар, равон кўчалар, дарвозалар ёнидаги арчазору гулзорлари билан киши ҳавасини уйғотади. Болалар майдончаси, замонавий типда қурилган мактаб, ҚВП, сартарошхона, бичиш-тикиш цехи, ҳаммом, савдо дўконларию шарқона услубдаги мўъжаз бозорча бу ерда аҳоли яшаш шароитлари мукаммал яратилганидан далолатдир.

— Тадбиркор Ориф Каримов Мустақиллик байрамининг 20 йиллигига фуқароларимизга совға сифатида ўз ҳисобидан ана шу бозорни қуриб берди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Бозоров. — Бозор ҳам узоғимизни яқин қилди, ҳам ҳудудимизга кўрк бағишлади.

Оқсоқол ўз маҳалласидаги ободончилигу бунёдкорлик, яратувчанлигу омилкорлик ҳақида тўлқинланиб гапирар экан, бу ерда яшаётган инсонлар ҳам шунга яраша барчага ўрнак бўлишга интилаётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, ташкил этилганига 2 йилдан ошган маҳаллада ҳозиргача бирорта жиноят содир этилмади, нотинч оилалар рўйхати ҳам мавжуд эмас, қўшнилар бир-бири билан аҳил, бир сўз билан айтганда, ҳавас қилса арзигулик бир гўша.

2011 йилда ҳудудда фаолият кўрсатаётган 52-милиция таня пункти Республика миқёсидаги «Энг намунали милиция таянч пункти», деб эътироф этилиб, профилактика нозири Отабек Саидов 1-даражали диплом ва «Матиз» автомашинаси билан тақдирланган эди. Чунки Отабекнинг ташаббуси билан маҳаллада кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Бугун гузардаги тикувчилик цехида 25 нафар қиз, сартарошхонада 6 нафар ўсмир ҳунар ўрганмоқда. Ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтиши учун нозир ҳамиша маҳалла фаоллари билан биргаликда жонкуярлик кўрсатади.

Мухтасар айтганда, намунали лойиҳа асосида бунёд этилаётган шинам уй-жойлар «Малик» каби масканларни янада обод этаётир. Обод турмуш йилида бундай бинолар юртимиз бўйлаб янада кўплаб барпо этилади.

**Холбиби САФАРОВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# АҲОЛИ БАНДЛИГИДА МУҲИМ ОМИЛ

***«Фарҳод» маҳалласи Гулистон шаҳридаги аҳоли зич яшайдиган ҳудудлардан. Бу ерда ёшлар, айниқса, кам таъминланган оилалар фарзандларини иш билан таъминлаш долзарб масала. Шаҳар ва вилоят миқёсидаги йиғилишларда фаоллар, депутатлар маҳалла ёшлари бандлигини таъминлаш масаласини бир неча бор кўтаришди. Натижада маҳалла ҳудудида «Milli Gulistan Textis» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси қуриладиган бўлди.***

Маҳалла аҳли янгиликдан шодланди. Айниқса, ёшлардан бир гуруҳи қўшма корхона дастгоҳларида ишлаш сирларини ўрганиш учун турдош корхоналарга ишга жўнатилгани бу қувончга яна қувонч қўшди.

— Ҳозирги кунда «Milli Gulistan Textis» қўшма корхонаси жадал ривожланаётган меҳнат жамоаларидан бири, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулмурод Ҳасанов. — Бунинг натижаси ўлароқ, 80 та иш ўрни яратилди.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг шу даврига қадар жамоада 1400 тонна пахта толаси қайта ишланиб, 1232 тонна калава ип тайёрланди. 3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси остида хорижий давлатларга сотилди. Маҳсулотлар ҳажми ва сифатини ошириш мақсадида яқинда бу ерга 9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя жалб этилди. Италиядан келтирилган янги ускуналар ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати кескин ошди, қўшимча равишда яна 120 нафар ёш учун янги иш ўрни ҳозирланди.

Шаҳардаги яна бир ҳудуд — «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинида йирик корхона — «Sarnuna Textiles» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси иш бошлади.

Бу маҳалла аҳолисининг асосий қисми кўпқаватли уйларда яшайди. Аҳоли бандлигини таъминлашда ҳудуддаги қўшма корхона имкониятларидан фойдаланиш борасида фуқаролар йиғини ўзининг алоҳида дастурига эга.

Қўшма корхонада модернизациялаш ва технологик янгиланишлар янги иш ўринларини яратиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички ҳамда ташқи бозордан ўз ўрнини мустаҳкам эгаллашини таъминламоқда. Корхонада модернизация ва техологик линияни янгилаш мақсадида 14 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Натижада, 5 миллиард 500 миллион сўмлик калава ип, мато, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқарилди. Хорижий давлатларга экспорт қилинган маҳсулот ҳажми 2 миллион АҚШ долларидан ошди.

— Корхонада модернизациялаш ва технологик янгиланиш ишлари давом этмоқда, — дейди «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуғани Шодмонов. — Бунинг натажасида кўплаб фуқаролар ишли бўлди, оиласига даромад келтириш имконини қўлга киритди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, шаҳарда аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилишда қўшма корхоналар жамоаларининг хизмати алоҳида. Ўтган йили улар томонидан «Фарҳод» ва «Бўстон» маҳаллалари аҳолиси учун Наврўз ва Мустақиллик байрамлари тантаналарини ўтказишда моддий ва



маънавий ёрдамлар кўрсатилди. Рамазон ва Қурбон ҳайитларида беморлар, ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллага саноатнинг кириб келиши аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, даромадларининг ортишига ҳам хизмат қилаётир.

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИДАН

# АҲИЛЛИК МАЪРИФАТДА ЕТАКЧИ КУЧ

***Олмазор туманидаги «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини ўтган йили ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Тошкент шаҳар босқичида иккинчи ўринни эгаллади. Аҳилликларнинг бундай натижани қандай қўлга киритгани, поёнига етган йилда амалга оширган ишлари билан қизиқдик.***

— Танлов низомида аҳоли ва ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ҳамда тарғибот ишлари тизимли ташкил этилгани, оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, спорт тадбирлари мунтазам йўлга қўйилганига қараб баҳоланадиган алоҳида банд бор, — дейди мазкур фуқаролар йиғини раиси Абдухолиқ Ваҳобов. — Ушбу банднинг ижросига мувофиқ олиб борилган ишлар ва йиғин қошидаги доимий комиссиялар фаолияти яхши йўлга қўйилгани, шу жумладан, Маънавий-маърифий тарғибот комиссиясининг фаолияти нуфузли ҳайъат аъзоларининг эътиборига тушди.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, жорий йилда фуқаролар йиғинлари ҳузурида доимий фаолият олиб борадиган барча комиссиялар иш тартиби, мақсад ва вазифалари ўрганилиб чиқилди. Уларнинг намунавий низомлари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан тасдиқлаш учун тайёрланди.

Авваллари Маънавият тарғибот комиссияси номи остида иш олиб борган жамоатчилик тузилмасининг низоми бўлмаган. Бугунги кунда Маънавий-маърифий тарғибот комиссияси ўз низомига кўра, фуқаролар йиғини ҳудудида соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий ғоя ва маънавият тарғиботи, кишилар онгида юртга садоқат, маданий меросимизга ҳурмат туйғуларини юксалтириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида вояга етказиш, уларни диний экстремизм, «оммавий маданият»нинг салбий иллатлари таъсиридан ҳимоялаш, умумбашарий ва миллий байрамларни аҳоли ўртасида юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қабул қилинган маънавий-маърифий дастурлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратган.

Мазкур вазифаларни «Аҳил» маҳалласида амалга ошириш учун тузилган комиссия аъзолари таркибига низомга мувофиқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойимжон Давлетова, фуқаролар йиғини ҳудудидаги ички ишлар профилактика инспектори Умиджон Имомов, ҳудуддаги 315-умумтаълим мактаби директори Барнохон Шоқурбонова, фуқаролар йиғини масъул котиби Муборак Нуриддинова, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси тавсияси билан катта ҳаётий тажрибага эга, намунали хулқи билан обрў-эътибор қозонган, тарбиявий таъсир ўтказа оладиган фаоллардан тузилган жомоатчилик кенгашига маҳалла оқсоқолининг ўзи раислик қилади.

Комиссия миллий ва маънавий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳини сингдириш мақсадида бир қатор эзгу ишларни амалга оширди. Жумладан, «Ҳуқуқий меъёрларга риоя этиш одоб ва ахлоқийлик демакдир», «Тарих сабоқлари», «Хотира альбоми сўзлаганда ёки ўтмишга саёҳат» каби тадбирларни таълим муассасаси билан ҳамкорликда ўтказган бўлса, маҳалла фуқаролар йиғинида «Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари», «Маънавий меросимиздан ғурурланамиз», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарини ўқиганда», «Мен ҳарбий хизматга тайёрман», «Кўздек қўшнимиз, маҳалладошлар» каби маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилган.

— Бундай тадбирларда ҳудуддаги боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларнинг фарзандлари тақдирига бефарқ бўлмаслик масалалари ҳам кўрилади, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойимжон Давлетова. — Бунга маҳаллада эҳтиёжманд оилалар сони ўтган йиллардагига нисбатан камайганини мисол қилиб келтириш мумкин. Фуқаролар йиғини ҳудудида маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш учун, аввало, фуқароларнинг доимий иш ўринларига эга бўлиши, оилавий даромадларини ўстириш зарурлигини таъкидлаймиз.

Маҳаллада амалга оширилиб келинаётган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлиги ҳақида яна бир тажрибани унутмаслик лозим. Йиғинда ҳомийлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилгани боис, ўтган йилнинг ўзида ҳудуднинг ободлигию фарзандларнинг тўкис яшаши учун бир юз етмиш миллион сўм сарфланган. Бундан қарийб йигирма миллион сўми мазкур комиссия фаолиятини жонлантириш учун ажратилган. Чунончи, турли кўрсатмали воситалар тайёрлаш, маҳалла миқёсида ўтказилган «Китобхон ўқувчи», «Юксак маънавиятли аёл», «Маърифатли оила» каби танлов ва мусобақалар ғолибларини тақдирлаш шулар сирасига киради.

«Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғинидаги маънавий муҳит барқарорлигини намуна сифатида баҳолаб, йиғиннинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадга мувофиқ.

**Нурилла ЧОРИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

**ҳарбий хизмат нуфузини янада оширишга хизмат қилади**



< [1]

Мазкур ҳужжат миллий армиямизда фуқаролик назоратини жорий этиш, ҳарбий хизматни ўташ жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, ҳарбий касб нуфузини ошириш, ҳарбийларнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни руҳан чиниқтириш ҳамда чақириққача бўлган ёшларнинг дунёқарашини бойитишдек мақсадларни кўзлагани билан аҳамиятлидир.

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ўз таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодкорлар, маданият ва санъат намояндалари, олимлардан иборат 28 нафар аъзони бириктирган.

Мазкур Жамоатчилик кенгаши фаолияти ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг кенгаш низомида назарда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишдаги кўмаги билан танишиш мақсадида жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши котиби Долли Аллаевга мурожаат қилдик.

— Маҳалла — халқимиз суянадиган, таянадиган, ҳар биримизга ҳамдард, елкадош ва ишончли орган, — дейди Д. Аллаев. — Жамиятда маҳалланинг ваколатлари тобора кенгайиб, юртдошларимиз ҳаётида ўзига хос мавқега эга бўлиб бораётир. Маҳалла тинчлиги юрт осойишталигидан далолат. Шу боис, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатимизда осойишталикни таъминлаш, Ватанни кўз қорачиғидек асраб-авайлашда мудофаа органларига кўмаклашиб келаётир. Жамоатчилик кенгаши низомига мувофиқ, маҳалла аҳоли ўртасида ҳарбий хизматчилар ва чақириққача бўлган ёшларни ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-руҳий, маънавий-маърифий йўналишларда тайёрлаш бўйича, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицер, сержант ва оддий аскарлар таркибининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси йўлида давлат томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида тушунтиришлар олиб боради. Айни пайтда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан аҳоли орасида ва ҳарбий қисмларда соҳадаги ислоҳотларни тарғиб қилиш, ҳарбий хизмат нуфузини кўтариш ҳамда фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини ошириш борасида тадбирлар дастури ишлаб чиқилаётир. Фонд тизимида фаолият юритаётган ходимлар ва фуқаролар йиғинларига ушбу қарор ва Жамоатчилик кенгаши низомида белгиланган мақсад ва вазифаларни таништириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Низомда мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасига оид, жумладан, мудофаа фаолиятини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа турдаги расмий ҳужжатлар ишлаб чиқилишида жамоатчилик томонидан муҳокама қилинишини ташкиллаштириш масалаларида давлат сирини сақлашга доир қонун ҳужжатларига амал қилинган тарзда Мудофаа вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига кўмаклашиш ҳамда самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам «Маҳалла» хайрия жамоат фонди зиммасига юклатилган.

Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низомнинг 2-боб 6-моддасида мазкур кенгаш: ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган, ҳарбий хизмат ўтаётган, Қуролли Кучлар захирасидаги, ҳарбий йиғинга чақирилган ва ҳарбий хизматдан бўшатилган фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари конституцион ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига амал қилинаётганини ўрганиб бориши; ҳарбий хизматчилар ва сафарбарлик чақируви резерви хизматчилари учун яратилган хизмат ўташ ва яшаш шароитлари, маиший таъминот аҳволи билан танишиб бориши; вазирлик ва идоралар раҳбарларига Жамоатчилик кенгаши ваколатига кирадиган масалалар бўйича таклифлар киритишига доир қоидалар ҳам ўрин олган. Бу каби ишларнинг амалга оширилишида ҳам «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг иштироки белгиланган.

— Фонд тизимида Жамоатчилик кенгаши зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун конференциялар, ёшлар форумлари, семинарлар, давра суҳбатлари каби тадбирларни уюштириб бориш чора-тадбирлари ишлаб чиқилаётир, — дейди сўзини давом эттириб Д.Аллаев. — Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш, шартнома бўйича ҳарбий хизматни белгилаш, сафарбарлик чақируви резерви хизматига олиш тадбирларини ташкиллаштиришда қатнашиш каби ҳуқуқлардан ташқари, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг бўлинма ва ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, юксак ахлоқ ва маданиятнинг таъминланишида Мудофаа вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан олиб борилаётган фаолият самарасини оширишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этиш ваколатларига ҳам эга.

Жамоат фонди ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, юрт хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлигини таъминлашга доир самарали тушунтириш ишлари ҳамда тадбирларни аниқ тизим асосида амалга оширилишни режалаштирган.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА.**

ЖАРАЁН

# ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ИККИ ЯНГИ КАНАЛИ

***2012 йилнинг 31 декабрь куни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида иккита янги — «Маданият ва маърифат» ҳамда «Дунё бўйлаб» телеканаллари ўз фаолиятини бошлади.***

Ушбу йирик лойиҳа Президентимиз Ислом Каримовнинг ўтган йил 30 июль куни қабул қилинган «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини кенгайтириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли тўлдириш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида бўлиб ўтган брифингда мазкур янги каналларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот берилди. «Маданият ва маърифат» телеканали ижодкорларининг асосий мақсади Президентимиз раҳнамолигида миллий маданиятимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, аҳолининг маданий ва маърифий савиясини янада ошириш борасида олиб борилаётган улкан ишларни кенг тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодда илмий кашфиёт ҳамда билим олишга, маданий қадриятларга қизиқишни кучайтириш, илмий-оммабоп ва маданий-маърифий теледастурларни яратиш, рақамли ва мультимедиали технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг маданий ва илмий ҳаётига оид муҳим воқеалар тўғрисида аҳолини ҳар томонлама хабардор қилиб боришдан иборатдир.

«Дунё бўйлаб» телеканали эса халқаро ҳамжамият ва мамлакатимиз аҳолисига Ўзбекистоннинг ноёб туристик салоҳияти, экологик туризмнинг имкониятлари ва ривожланиш даражаси ҳақида кенг маълумот бериш, илмий-оммабоп ҳамда маърифий дастурларни тайёрлаш, уларни хорижий каналларда тарқатиш каби вазифаларни амалга оширади. Томошабинлар ушбу канал орқали тарих, география ва дунё мамлакатлари ҳаёти, жаҳон халқларининг ўзига хос анъана ва маданияти, наботот ва ҳайвонот олами ҳақида ҳам хабардор бўлиб боради.

Мазкур телеканалларнинг ишга туширилиши мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, хусусан, электрон оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътиборнинг яна бир бор ёрқин тасдиғидир.

**ЎзА.**

# ФАОЛИЯТ ТАКОМИЛИ ЙЎЛИДА

***Ҳукуматимиз томонидан «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди.***

***Мазкур қарор билан Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини бошқариш аппаратининг тузилмаси ҳамда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси Кенгашининг таркиби тасдиқланди.***

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги устувор ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ҳамда илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Жамғарма маблағлари телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни берганлик учун тўланадиган давлат божи маблағларининг 50 фоиз ҳамда 2018 йил 1 январга қадар абонентлик рақамидан фойдаланганлик учун тўловлардан тушадиган маблағларнинг 30 фоизи ҳисобидан тўпланади.

Шунингдек, Жамғарма мулкчилик шакли ва қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар, алоқа соҳасида фаолият кўрсатувчи юридик шахслардан жарима санкциялари кўринишида олинадиган маблағларнинг, банк депозитлари шаклидаги ва бошқа шакллардаги вақтинчалик эркин маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадларнинг ҳамда юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар қиладиган хайрия эҳсонларининг 45 фоизини ҳам олади.

Ушбу маблағлар давлат бошқаруви органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг идоралараро интеграциялашган ахборот тизимларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб боришни, алоқа, телевидение ва радиоузатиш соҳасидаги телекоммуникация тармоқлари ва тизимларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилишни, интернет тармоғининг миллий сегментини шакллантиришни, алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни, алоқа, компьютер ва тармоқ технологиялари, дастурлаш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришни ҳамда маълумотларнинг электрон базасини яратишни молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин.

**Мухбиримиз.**

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

# МЕҲНАТ БАХТ КЕЛТИРАДИ

***Мамлакатимизда уста боғбонлар, соҳибкор деҳқонлар талайгина. Аммо бизнинг Олтиариқ туманидаги Янгиқўрғон шаҳарча фуқаролар йиғини ўзининг миришкор боғбон ва соҳибкорлари, саховатпеша тадбиркор ва ишбилармонлари билан алоҳида ажралиб туради.***

Истиқлол туфайли меҳнатдан бахт топган аҳолимизнинг турмуш тарзида катта ўзгаришлар рўй берди. Замонавий уй-жойлар, кўча ва хиёбонлар, маҳалла кўчаларини тўлдириб юрган автомашиналар, турли тўй-ҳашамлар — барчанинг сидқидилдан қилинган меҳнати самараси. Шу боис, фуқаролар йиғинимиз «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Фарғона вилояти босқичида биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида иштирок этди.

Очиғи, танловнинг вилоят босқичида ғолиб бўлиш осон кечмади. Ҳамма жойда ҳам ибратли, кўпга ўрнак бўларли ишлар амалга оширилаётир. Лекин маҳалла ҳаётини қамраб олган маданий, маърифий соҳаларда бажарилган ижобий ишлар кўпчиликка манзур бўлди. Туман марказига туташ шаҳарча фуқаролар йиғинимизнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Унинг ҳудудида 17 минг 877 нафар аҳоли тинч-тотув умргузаронлик қилиб келмоқда. Аҳолимиз, асосан, томорқада узум, иссиқхонада лимончилик, бодринг, помидор етиштириш ҳадисини олган. Кейинги икки йилда 154 та хонадонда иссиқхоналар ташкил этилди. Беш сотихли иссиқхонадан келаётган даромад миқдори йилига ўртача 15 миллион сўмни ташкил этади.

Маҳалламиздаги 423 гектар томорқа майдони чинакам даромад ва фаровонлик манбаига айланган. Бир сўз билан айтганда, бугун томорқачилар аҳолимизнинг энг кўп даромадга эга бўлаётган қатлами. Уларнинг турмуш тарзи, эришаётган ютуқларига ҳавас қилса арзийди. Бу ерда миришкор узумчи боғбонлар қиш чилласида ҳам токдан узум узади. Ғаффор Йўлдошев, Неъматулла Мусурмонқулов кузда пишган узумни «термос» усулида қиш ойларида ҳам сақлай билади. Бу соҳа ҳақида гап кетганда, узум навларини етиштиришда миришкор Иброҳимжон Раҳимов меҳнатларини эътироф этиш ўринли. Тажрибали узумчи шу кунгача маҳаллий ер, иқлим шароитимизга мос 50 дан зиёд узум навларини яратиб, элга машҳур бўлди.

Маъруф Мамажонов эса, маҳаллада биринчилардан бўлиб лимончиликка асос солди. Акбарали Исоқов, Ҳабибулло Йўлдошев, Неъмат Абдуназаров сингари миришкорлар томорқасида йилига уч-тўрт марта бодринг, помидор етиштиради. Мўл ва мазали сабзавот маҳсулотлари ички бозоримиздан ташқари, хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Маҳалладошимиз Абураҳим Оламов фермер хўжалигидагилар дашт-адир ерларни ўзлаштириб, писта етиштиришни йўлга қўйишди. Айни кунда фермер даласидаги 40 туп писта ҳосилга кирди. Яқин йилларда 20 гектар адир ерларда писта боғлари ташкил этилади.

Янгиқўрғон шаҳарча фуқаролар йиғинидаги бу ўзгариш ва тажрибалар туман, вилоят миқёсида оммалаштирилмоқда. Чунки томорқачиларимиз йилдан-йилга деҳқончиликка замонавий мезонлар ва илмий асослар бўйича ёндашиш, бозор талаб ва эҳтиёжини ўрганиш, фаолиятига янги усулларни жорий этишнинг ҳадисини олмоқдалар. Иссиқхоналар ташкил этиш, цитрус мевалар етиштиришни маҳаллий шароитимизга мослаштириш, деҳқончиликка дунёнинг илғор тажрибаларини татбиқ этишда ибратли ишлар кун сайин кенг ёйилмоқда. Маҳалламиздаги илғор тажрибалар бу билан поёнига етмайди.

Кейинги йилларда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланди. Мустаҳкам оила йилида ўндан ортиқ хизмат кўрсатиш тармоғи фаолият бошлади. Масалан, маҳаллий тадбиркор Зафаржон Азимов ташаббуси билан қаровсиз жойда мева-сабзавотлар учун ёғоч яшик, «Олтиариқ супер пласт» хусусий корхонаси раҳбари Маҳаммаджон Мамадалиев саъй-ҳаракати билан мевани қайта ишлаш учун керакли икки хил ўлчам ва кўринишдаги пластмасса қутилар тайёрлайдиган кичик ишлаб чиқариш тармоқлари фаолияти йўлга қўйилди. Натижада шу йилнинг ўзида маҳалламизнинг 100 нафардан ортиқ ёшлари учун янги иш ўринлари яратилди. Буларнинг барчаси юртимизда ишбилармонлик, тадбиркорлик соҳасида яратиб берилган шарт-шароит ва қулай имкониятлар самарасидир.

Истиқлол йилларида маҳалламиз ҳаёти тубдан ўзгарди, одамларнинг моддий фаровонлиги ошди. Муҳтарам Юртбошимизнинг «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида намунавий лойиҳа асосида қурилган уй-жойларга 80 та оила кўчиб кирди. Обод турмуш йилида эса яна 20 та оила ана шундай муҳташам ва замонавий уй эгалари бўлади. Бундан ташқари, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш мақсадида 5 та сув қудуғи қазилди. Шунингдек, Шоҳимардонсойдан келган Капчуғай катта ариғининг 500 метр жойи бетон қилинди.



Ҳар томонлама соғлом, баркамол авлод тарбиясини кўзда тутиб собиқ ширкат хўжалиги клуби маҳалла балансига ўтказилди ва бу ерда ўндан ортиқ спорт-соғломлаштириш тўгараклари фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда маҳалла спорт мажмуасида 300 нафардан зиёд ёш машғулотларда иштирок этмоқда. Бу эса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда қўл келмоқда.

Маҳаллалар тизимида фаолият кўрсатаётган фаолларимиз, жамоатчилик комиссияларининг ўзаро аҳил, ҳамжиҳат ва ҳамкорлиги муваффақиятларимизга омил бўлмоқда.

Қувонарли жиҳати, маҳалламизда ибратли ишлар, янгиликлар ҳар куни бўй кўрсатиб турибди. Мақсадимиз ўз уйимиз, маҳалламизда обод турмуш тарзини яратишдир. Зеро, чин дилдан қилинган меҳнат, албатта, бахт келтиради.

**Абдурашид АЛЛОМОВ,**
**Олтиариқ тумани**
**Янгиқўрғон шаҳарча**
**фуқаролар йиғини**
**раиси.**

ТАШАББУС

# «МАХСУСТРАНС»ГА МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА

***Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги иккита хусусий корхона чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиш мақсадида «Исузу» ва «МАН» русумидаги махсус машиналарни сотиб олди.***

Ушбу янгилик Тошкент шаҳар ҳокимлигининг хусусий корхоналарни «Махсустранс» давлат корхонасига муқобиллик асосида чиқиндиларни йиғиш ва уларни махсус ажратилган жойларга олиб бориш учун жалб этиш бўйича ташаббуси асосида жорий этилмоқда. Хусусан, шаҳар ҳокимининг қарорида тозаликни таъминлаш бўйича 79 та шундай хусусий корхонани жалб этиш кўзда тутилган. Шунингдек, уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатиш учун қатор ташкилотларга тегишли кўрсатмалар ҳам берилди. Жумладан, янги корхоналарга имтиёзли фоизлар бўйича банк маблағларидан ва лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратиш режалаштирилган.

Ушбу йўналишда ўз фаолиятини бошлаган илк корхоналар — «Мадали сервис» МЧЖ ва «Спектор строй сервис плюс» ана шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда, «Ипотека банк»нинг Юнусобод филиали билан тузилган лизинг шартномаси асосида чиқиндиларни олиб чиқадиган автомобилларни сотиб олди. Шу билан бирга, «Шифокор аъло коммунал», «Бахт қуши қурилиш инвест», «Саид Оқилжон қурилиш сервис», «Бобур юлдузи» ва «Юнусобод лифт




сервис» масъулияти чекланган жамиятлари ҳам шаҳар тозалигига ҳисса қўшиш мақсадида ўз паркларини махсус автомобиллар билан тўлдириш чораларини кўрмоқда.

**Мухбиримиз.**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

***Тошкент вилоятида қуввати 750 кВт. бўлган шамол энергиясини ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёдаги биринчи тажриба қурилмасини барпо этиш ишлари якунига етмоқда.***

Қурилма Бўстонлиқ туманидаги Юсуфхона қўрғони яқинида барпо этилмоқда. Қурилишнинг 2010 йилда бошланган биринчи босқичида маҳаллий метеорологик шароитларни ўрганиш учун метеомачта ўрнатилган эди. Йил давомида анемометрик ускуналар тўхтовсиз ўн дақиқа танаффус билан метеорологик маълумотларни ёзиб борган. Ушбу маълумотларга кейинчалик Германияда махсус дастур бўйича ишлов берилган.

2011 йил кузида қурилиш майдончасида участкани вертикал режалаштириш бўйича дастлабки ишлар олиб борилди ва узунлиги 400 метр бўлган йўл қурилди.

Ўтказилган тендер натижалари бўйича Хитойнинг «Ксиан электрик инженеринг» компанияси шамол генераторини барпо этиш бўйича бош пудратчига айланди. Шамол энергиясини ишлаб чиқарувчи қурилмани барпо этиш ва ускуналарни етказиб беришга компания билан 1 млн. 840 минг долларли шартнома тузилди.

Айни пайтга қадар Хитой томони технологик ускуналарни етказиб берди, шамол қурилмасининг пойдеворини қуриб битказди, ҳозир эса монтаж ишларини олиб бормоқда. Шамол генераторининг баландлиги 65



метрни, винтларининг айланаси 50 метрни, минора асосининг диаметри эса қарийб тўрт метрни ташкил этади. Қурилманинг умумий оғирлиги 112 тоннага етади.

Бундай параметрларга эга шамол энергияси қурилмаси республикада ва, умуман, Марказий Осиёда илк бор барпо этилмоқда. У ишлаб чиқарадиган электр энергия Ўзбекистоннинг умумий энергетика тизимига қўшилади. Қурилма йилига ўртача 1283 минг кВт/соат энергияни ишлаб чиқаради.

**Мухбиримиз.**

СПОРТ ИНШООТЛАРИ

# СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



***Истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг самараси ўлароқ, вилоятимиз маркази — Урганч шаҳри янгича қиёфа касб этди. Урганчни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қайта қуриш мақсадида умумий қиймати 112 миллиард сўмни ташкил этадиган дастур ишлаб чиқилди.***

Турар-жойлар, меҳмонхоналар, маъмурий бинолар қатори спорт иншоотларининг қурилиши ҳам қизғин давом этаётир. Хусусан, яқин кунларда иккита сув ҳавзаси ва теннис корти, «Авесто» боғи мажмуасига туташ «Ёшлар спорт маркази» фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Шунингдек, барча маҳаллаларда болалар спорт майдончалари қурилиб, фойдаланишга топширияпти. Шаҳримизда қад ростлаётган спорт иншоотлари қурилишида «Ирдимзонқурилиш», «Ирригациятемирбетонқурилиш», «Жайҳунқурилиш», «Саётқурилиш» ташкилотлари билан биргаликда маҳаллалардаги қурувчи-ҳунармандлар ҳам ёнма-ён ишламоқда.

Президентимиз халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида воҳада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини ҳаёт қоидасига айлантириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш борасида катта ишлар қилинаётганини, хусусан, болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида ўтган уч йил давомида 85 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилгани, қиз болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳар томонлама қулай имкониятлар ҳозирланаётганини фахр билан таъкидлагандилар. Дарвоқе, мустақиллик йилларида вилоятимизда, хусусан, унинг маркази Урганч шаҳрида спорт иншоотлари қурилишига катта эътибор берилди. Мавжуд спорт иншоотлари ва маҳаллалар ҳудудларидаги фарзандларимиз таълим-тарбия олаётган мактаблар, коллежлар, академик лицейлар спорт заллари 1,14 млрд. сўмлик спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланди. Шаҳар марказидаги «Олимпия» стадиони замон талаблари асосида мукаммал таъмирланди, 35 номдаги спорт анжомлари билан тўла таъминланди. Стадионда футболдан ташқари, кураш, гимнастика билан шуғулланиш учун қўшимча бинолар қурилди. Шаҳарда тўртта сузиш ҳавзаси ишга тушди.

Олимпия захиралари спорт коллежининг ишга туширилиши эса ёшлар баркамоллиги, авлодлар соғломлиги йўлидаги диққатга сазовор иш бўлди. Бу коллеж базасида жамоат фондимиз томонидан мавжуд 35 маҳалла бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Футболимиз келажаги», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» каби беллашув ва танловлар ўтказиш изчил йўлга қўйилди. Янги йил арафасида коллеж спорт залида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманлари маҳаллаларидан ташриф буюрган фаол спортсевар аёллар ўртасида спортнинг етти тури бўйича аёллар спорт фестивали ўтказилди. Умумжамоа ҳисобида маҳаллаларимиз спортчи аёлларидан таркиб топган «Мардона» терма жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, бош совринга сазовор бўлди.

Маҳаллаларимизда катталар ва болаларнинг спорт ва жисмоний тарбия машғулотлари билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. «Истиқлол», «Наврўз», «Юқори боғ», «Темир йўлчи» ва Комилжон Отаниёзов номидаги маҳаллаларда янги спорт майдончалари барпо этилди. Бунда ҳомий ташкилот ва саховатпеша тадбиркорларнинг ҳиссаси катта.

Спорт соҳасида яратилаётган имконият ва ғамхўрликларга яраша маҳаллаларимизда вилоят, мамлакат, халқаро мусобақаларда иштирок этиб, муваффақият қозонаётган ёш спортчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Алишер Йўлдошев самбо бўйича жаҳон чемпиони, Руслан Ражабов оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони, Мирзо Ҳасанов бокс бўйича жаҳон чемпиони, Дармонжон Рўзиматова биатлон бўйича жаҳон чемпиони бўлдилар ва яна кўплаб йигит-қизлар халқаро мусобақаларда совриндорлар қаторидан жой олдилар.

Йил давомида тегишли ташкилотлар, спорт муассасалари билан ҳамкорликда маҳаллалараро 120 дан зиёд турли беллашувлар ўтказдик. Бундай қизиқарли мусобақаларда ёшлар, айниқса, болажонларимизнинг ҳавас ва иштиёқ билан қатнашаётганликлари бизда ғурур ҳамда фахр уйғотади. Негаки, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта, ўзининг буюк келажагини яратади. Шу боисдан ҳам Обод турмуш йилида мавжуд 35 та маҳалланинг барчасида спорт майдончалари бўлишига эришиш, ҳар бир маҳаллада, оилада спорт билан шуғулланиш учун шароит яратиш, мусобақалар кўламини ошириш тадбирларини ҳозирданоқ белгилашга киришдик. Шуниси қувонарлики, бу беллашувлар, асосан, янгидан қад ростлаётган муҳташам спорт кошоналарида бўлиб ўтади.

**Омонбой САФАРОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Урганч шаҳар бўлинмаси раиси.**

ФУТБОЛ

# АЁЛЛАР ФУТБОЛ ЖАМОАСИ КЎПАЯДИ

***Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси олий лига клублари вакиллари билан йиғилиш ўтказди. Унда 2013 йилдан бошлаб ҳар бир олий лига клуби қошида аёллар футбол жамоаси бўлиши шартлиги белгиланди.***

Хусусан, «Насаф» клуби «Севинч» аёллар жамоасини, «Пахтакор» эса «Семурғ» аёллар жамоасини ўз тасарруфига олмоқда. Қолган клублар ҳам шундай аёллар жамоасини тузади ёки ўз қарамоғига олади.

Шунингдек, йиғилишда янги йилдан бошлаб олий лигада иштирок этадиган клублар учун бадал пули миқдори оширилиши эълон қилинди. 2012 йилда олий лига клублари 70 миллион сўм миқдорида бадал пули тўлаган бўлса, 2013 йилдан бу миқдор 80 миллион сўмни ташкил этади.

Бундан ташқари, йиғилишда яна бир қатор янгиликларга тўхтаб ўтилди. Хусусан, ОФК талабларига кўра, 2013 йилдан бошлаб клублар чипталардан тушган даромаднинг 2 фоизини ПФЛ ҳисобига ўтказишади.

Шу билан бирга, олий лига клублари футболчиларининг формаларида рақам ва фамилияси бўлиши шарт деб белгиланди.

**Мухбиримиз.**



## САЙР



САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

## ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА...

*Одамларнинг Янги йил байрамидан кейин соғлиғи билан юзага келадиган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида, диетологлар 5 та энг зарарли маҳсулот номларини айтишди.*

*Биринчи ўринда шифокорлар майонездан воз кечиш кераклигини маслаҳат беришмоқда. Унинг ўрнига ўсимлик ёки зайтун ёғидан фойдаланиш тавсия этилади. Бундан ташқари, ўзингизни гўшт истеъмол қилишда ҳам чекланг. Айниқса, ёғли гўшт ўрнига товуқ ёки курка гўштини истеъмол қилган мақсадга мувофиқ. Янги йил кечаси турли алкоголь ичимликлар ҳам соғлигингизга зарар келтиради.*

*Диетологларнинг энг асосий чеклови бу мандарин ва шампан виноси бўлди. Байрам дастурхонининг асосий кўрки ҳисобланган ушбу маҳсулотлар жиғилдон қайнаши ва ҳатто ошқозон ярасининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин экан.*

*Мутахассислар байрам таомномасини олдиндан тузишни ва байрам пайтида истеъмол этилаётган маҳсулотларни назорат қилишни маслаҳат бермоқдалар.*

ҚОЙИЛ!

# ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

***Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида яшайдиган 42 ёшли Бахтиёр Ҳакимов юртимизда илк туяқуш фермасини очган тадбиркор. Бунгача асал етиштирган юртдошимиз, мана, беш йилдан буён ноёб паррандабоқарликни ҳам йўлга қўйган.***

Унинг ўзи ясаган инкубатордан чиққан Африка қора туяқушлари сони 40 тага етди.

Тадбиркор тоғ ён бағрида 6 гектарли ферма ташкил қилган. Туяқуш боқиш учун махсус жиҳозланган бинонинг катталиги эса 700 квадрат метрга тенг.

Бундан ташқари, унда яна 570 та асалари уяси ҳам бор. Олдинига туяқуш боқиш учун сарфланган маблағ айнан асаларичиликдан тушган даромад эвазига қопланган эди.

Бахтиёр Ҳакимовнинг туяқушбоқарлик фаолияти суданлик талаба йигит билан танишиб қолганидан кейин бошланади. Хартум шаҳридан келиб Тошкентда шифокорликка ўқиётган ҳабаш йигит унга Африкадан тўртта туяқуш тухумини келтириб беради. Б.Ҳакимов ҳавасга кўлбола инкубатор ясаб, ўша тухумлардан жўжа очирди. Шундан кейин унда туяқуш фермасини очиш фикри туғилди.

Маълум бўлишича, туяқушнинг бир дона тухуми саккиз кишига егулик бўлар экан. Ҳозирда тухумнинг оқ-сариғи олинган пўстлоғи устига Шарқ миниатюралари чизилиб, халқ амалий санъати намунаси сифатида чет элга экспорт қилинмоқда. Бўстонлиқ аҳолиси учун эса Бахтиёр Ҳакимовнинг туяқуш фермаси ҳақиқий ҳайвонот боғининг ўзгинаси. Зеро, фермада туяқушлардан ташқари, от, ит, туя, товус ва турли хил товуқларни ҳам кўриш мумкин.

**Мухбиримиз.**

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

# ИСМИ ЗЎР, ЎЗИ... ҒЎР

***...У ҳақда маҳалладошлари афсус-надомат билан гапиришади: «Олдинлари яхши эди, қурилишда ишларди, мол боқарди, рўзғорини тебратарди. Аммо кейинги пайтларда бирданига ўзгарди-қолди. Энди билдик — унинг исми зўр бўлгани билан ўзи ғўр, яъни хом, ҳали ҳаёт қозонида қайнаб, пишмаган экан. Бундайлардан Худонинг ўзи асрасин!»***

Дарвоқе, Азамат ота-онаси яхши ниятлар билан қўйган исмига яраша иш тутмади. Ёши қирқдан ошган бўлса-да куч-қуввати, билимини ҳалол меҳнатдан ризқ топишга эмас, қинғир йўллар билан бойлик орттиришга сарфлади. У бундай хатти-ҳаракатлари ўзи ва оиласига жабр бўлишини биларди. Чунки олдин ҳам жиноят содир қилиб, жазо олган эди. Таассуфки, бундан тўғри хулоса чиқармади. Қўни-қўшни, маҳалла оқсоқоли, жамоатчилик кенгаши аъзолари, ҳатто умр йўлдошининг: «Ахир тўрт нафар болангиз бор, ҳеч бўлмаса, шуларни ўйланг», дейишига қарамасдан яна билганидан қолмади.

Гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғуллана бошлади. Худди ўзи каби муқаддам судланган тўрткўллик Айтбай Аннаматов, Гулшод Валиевалардан 50 грамм героин моддасини тўрт миллион сўмга сотиб олиб, уни бошқа оғуфурушларга қимматроққа пуллади. Бел оғримай топилган мўмай даромад уни яна жирканч ишга ундай бошлади. Кўнглида хавотир оралаганда «Ким билиб ўтирибди?», деган хомхаёлдан таскин топди ва ҳамтовоқлари билан алоқани мустаҳкамлади.

Қинғир иш бир кунмас бир кун ошкор бўлиши аниқ. Азамат қўлга тушди. Жиноят ишлари бўйича Урганч тумани суди биносида ўтган очиқ суд мажлисида Қўшкўпир тумани Оқдарбанд қишлоғи «Иттифоқ» маҳалласида яшовчи Азамат Жуманиёзов, унинг жиноий шериклари Айтбай Аннаматов, Гулшод Валиеваларнинг жиноий иши кўриб чиқилди. Одил суд қабиҳ жиноятчиларни ўн йилдан озодликдан маҳрум қилди.

Мамлакатимизда қонун билан қатъиян тақиқланган гиёҳвандлик моддасини сотиб, ноқонуний равишда пул топиш, осон йўл билан бойлик орттиришга уринган шовотлик Абдулла Ражабов, Урганч шаҳридан Давронбек Бобожонов, Муяссар Бобожонова, Хонқа туманидан Азимбой Тангриберганов, Урганч туманидан Эркинбой Матниёзов, Янгибозор туманидан Улуғбек Яхшимуродовлар ҳам одил суд ҳукми билан узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилиб, қилмишларига яраша жазога маҳкум этилдилар. Агар улар ҳам оиласи, маҳалласи, эл-юрти хизматига камарбаста бўлиб, ҳалол пул топишга интилганларида панжара ортига тушмаган бўлишарди.

Хулоса шуки, агар одам огоҳ бўлмаса, гиёҳвандлик гирдобига тушиб, ўз умрини хазон қилади.

**Абдулла САФОЕВ.**




## Сантанинг эртакдаги уйи

***Миланлик бир фуқаро ўз уйини болалар учун Санта-Клауснинг эртакдаги уйига айлантирди.***



Информатика бўйича мутахассис Массимилиано Гольо ўз уйига турли байрам безакларини илди ва уларнинг ўртасига саккизта буғу билан чана қўйди. Умумий ҳисобда байрам безакларига 371 минг дона лампочка ишлатилди.

Миланликнинг боғига 7 январгача барча хоҳловчилар соат 17:00 дан 22:00 гача ташриф буюриши мумкинлиги эълон қилинди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ойда Канадада болаларга Санта-Клаусни йўқ, деган эркак киши полиция томонидан ҳибсга олинган эди.

## Болалар радиациядан семиряпти...ми?!

***Японияда болалар семириш ҳолати, асосан, Фукусима префектурасида кузатилмоқда. Маълумки, Фукусима ҳудуди атом электростанциясидаги авария оқибатида жиддий зарар кўрган эди.***



Япония таълим вазирлиги ўтказган тадқиқот натижалари шундан дарак бермоқда. Бу тадқиқотда мамлакатнинг барча ҳудудларидан 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган 700 минг нафар ўқувчи иштирок этди.

Агар илгари бу префектурада қониқарсиз натижалар фақат 10-синф ўқувчилари орасида кузатилган бўлса, энди бу ҳудуд бир йўла етти хил ёш тоифаси бўйича илғорлик қилмоқда. Энг ёмони, семириш кўпроқ бошланғич синф ўқувчиларида кузатилмоқда.

Болаларда ортиқча вазн пайдо бўлаётганига кам ҳаракатлилик, спорт билан шуғулланмаслик сабаб бўлаётгани ҳам қайд этилмоқда. Фукусимадаги ҳалокатдан сўнг ҳудуддаги таълим муассасаларининг ярмида ўқув дастуридан кўчада вақт ўтказиш умуман бекор қилинган эди.

## Оила манфаатини ўйлаб...

***АҚШнинг Айова штатида яшайдиган тиш шифокори ўз ёрдамчисини чиройли бўлгани учун ишдан бўшатди.***



Суд эса 53 ёшли Жеймс Найтни бу иши учун айбдор деб топмади, аксинча, шифокор ўз оиласи манфаати йўлида тўғри қарорга келган, деган хулоса чиқарди. Найт билан кейинги 10 йилдан бери бирга ишлаб келаётган тиш техниги, 32 ёшли Мелисса Нельсон ишдан бўшатилгач, судга ариза берди. У ўз аризасида раҳбарининг оиласини бузишга ҳеч қачон уринмагани ва ҳалол ишлаганини баён этган. Судда эса Найт ҳақиқатдан ёрдамчисига охирги пайтларда кўпроқ эътибор бера бошлаганини тан олди. Лекин бунга очиқ кийина бошлаган Мелиссанинг ўзи айбдор, деди шифокор.

Маълум бўлишича, 2009 йилдан бошлаб Найт ва Нельсон бир-бирига SMS ёза бошлашган, аввалига улар иш мавзусидан четга чиқишмаган. Бироқ Нельсоннинг айтишича, баъзида унинг раҳбари ўта шахсий саволларни ҳам йўллаган. Тез орада Найтнинг рафиқаси SMSлашаётганларни пайқаб қолиб, эридан бунга дарҳол чек қўйишни талаб қилди.

Штат қонунларида шундай тартиб бор: агар раҳбар қўл остидаги ходимининг ташқи кўриниши оиласига салбий таъсир кўрсатаётганини англаб етса, ходимини ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга.

## Балиқчилар тўрида «Порше»

***Хитойлик бир гуруҳ балиқчиларнинг тўрига бу гал балиқ эмас, балки автомобиль илинди.***

Бэйхай қирғоғида насибасини теришга чиққан балиқчиларга уммон янги йил совғасини туҳфа этди. Яхши ният билан денгизга тўр ташлаган балиқчилар жуда катта балиқ галаси илинди, деб хурсанд бўлишаётган бир пайтда, сув юзасида балиқ ўрнига «Porsche Cayenne» автомобили кўринди. Маълумотларга кўра, уни солиқ тўловидан қочиб ноқонуний йўл билан олиб келаётган контрабандистлар кемадан улоқтириб юборишган. Машинани кўздан кечирган мутахассислар «Porsche Cayenne» камида икки йилча сув остида ётган, деган тўхтамга келинди.

Сувдан олиб чиқилган «Porsche Cayenne» 4000 юанга (тахминан 650 доллар) баҳоланди. Шу турдаги янги автомобилнинг нархи эса 50 минг доллардан бошланиб, 110-120 минг долларгача баҳоланади.

**Ф.ЭГАМОВА.**

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-39-89

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Навбатчи: Т.Низомов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Нашр навбатчиси: Н.Чориев
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30.

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz 22100 нусхада чоп этилди. Буюртма J-6106 Топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5